

ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи

Андижон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8374854>

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида талаба-ёшларнинг касбий жиҳатдан тайёрлашга уларда бошқарувчилик, лидерлик каби сифатларни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, янгилашиб бораётган таълим ва жамият муҳити учун талаба-ёшлардаги лидерлик энг асосий аҳамиятга молик қобилиятлар сифатида қаралмоқда.

Республикамизда ёшларда лидерлик қобилиятини шакллантириш давлатимиз ва жамиятимиз ривожига ҳисса қўшадиган мутахассислар етиштиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Лидерлик бу - мақсад ва вазифаларга эришиш йулида жамоадаги ҳар бир кишининг ижодий куч ва энергиясини тўғри сарфлашга йуналтириш ҳамда руҳлантириш учун амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар жараёни.

Лидерлик қобилиятини шакллантириб бориш орқали ёшларда бошқарувчилик ва раҳбарликни ривожлантириш билан бир қаторда, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган кадрлар этишиб чиқишига замин яратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади”¹.

Фаробийнинг таъкидлашича, мукамал жамиятда ҳар бир табақа яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки у вазифаларни бажариш учун ихтисослашган. “Ўзидан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларнинг бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди”².

Машҳур дипломат Ж.Болл қудратли давлат формуласини қуйидагича таклиф этади: “Ресурслари ва аҳолисининг континентал миқёси + ички ҳамжиҳатлиги ва барқарорлигининг юқори даражаси + кучли лидерлар”³.

Лидерлик ҳолати, одатда, гуруҳнинг норасмий муносабатлар тизимида амалга ошади. Бирон-бир шахснинг лидер даражасида тан олиниши унга ҳиссий яқинликни, унинг иш билан боғлиқ бўлган қатор фазилатларини юқори баҳолашни ва ушбу шахснинг гуруҳ манфаатларига эътиборини англатади. Лидер - гуруҳнинг ҳамма аъзолари томонидан тан олинган шахс. Лидернинг қадриятлар тизимидаги асосий жиҳати - гуруҳ

¹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. URL манзил: <https://president.uz/uz/2690>

² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 189.

³ Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Т.: Янги авлод, 2013. – 524-б.

манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, доимо гуруҳ олдига қўйилган вазифани ечишга сидқидилдан киришиш ва бу жараёнда жамоани сафарбар эта олишидир.⁴

Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек, “Дунёда икки турли инсон ҳақиқий ҳисобланади: бири - ўргатувчи, бири - ўрганувчи”. Лидерлик фазилатига эга бўлган инсонлар атрофидагиларнинг ҳам ривожланиши учун янгилик яратиб илҳомлантира олади, шу билан бирга, доимий ҳаракатдаги изланувчи ҳисобланади.

Ривожланаётган давлатимизнинг бугунги ва эртанги куни бўлган ёшлар орасида лидерлик сифатларини ривожлантириш олдимизда турган вазифалардан биридир.

Лидерликнинг шаклланиши:

- инсон ҳаётининг дастлабки йилларидаги (мактабгача таълим муассасаси ва мактаб) пешқадамликнинг ривожланиши;
- гуманитар фанларга йўналтирилган таълим чуқур билим учун асос яратади;
- билимларни амалда қўллаш натижасида орттирилган тажриба донолик сари етаклайди;
- касбий ва руҳий тайёргарликнинг турли хил вазиятларда қўлланиши тажрибани бойитади.

Лидер қўйидагиларни ўзида жамлайди: бошлиқдан фарқли равишда, ютуқларни фақат ўзиники деб ҳисобламайди, балки жамоани эришган ютуқлари учун мукофотлайди, рағбатлантиради; намунали дўст ёки ҳамкасб сифатида ҳурматга сазовор бўлади; жамоа аъзоларига ва воқеликларга нисбата эътиборли; янги ғояларни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради; тизимли фикрлайди ва узоқни кўра олади.

Шундай экан, лидерлик қобилиятини ёшларда илк даврларданок тизимли равишда шакллантириб бориш, таълим муассасаларида индивидуал тарзда ёши ва психологик хусусиятлари, характер категорияларидан келиб чиққан ҳолда турли машқлар, ўқув машғулотлари, тренинглар орқали янада мустаҳкамлаб, ривожлантириб бориш зарур.

References:

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 189.
2. Абдуллаева Р. Лидерлик ва раҳбарлик сифатларининг боғлиқлик жиҳатлари // Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплави 2019 йил 20 ноябрь.- Б. 255-256.
3. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. УРЛ манзил: [хттпс://президент.уз/уз/2690](http://президент.уз/уз/2690)
4. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Т.: Янги авлод, 2013. – 524-б.

⁴ Абдуллаева Р. Лидерлик ва раҳбарлик сифатларининг боғлиқлик жиҳатлари // Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплави 2019 йил 20 ноябрь.- Б. 255-256.